

Ўрта Осиёнинг диктаторлари, аниқроғи, Ислон Каримов Россиянинг, аниқроғи, Путиннинг жонини хикилдоғига келтирганга ўхшайди.

Акс ҳолда президент Путин, ўзининг Федерал Кенгашга қилган йиллик мурожаатида, уларга қарата “Божхона Иттифоқига аъзо бўлганларгина, Россия ҳудудига бемалол кира олади” деганга ўхшаш гап қилмаган бўларди.

Россиядек улкан ва қудратли давлатнинг “Салтанат васвасаси”дан,

ҒАЗАБНОК ПУТИН ЎРТА ОСИЁГА ШАРТ ҚЎЙДИ

бугун Марказий Осиё мамлакатлари диктаторлари молиявий ва сиёсий фойда олиш ҳаракатидалар.

Улар баъзан атайлабдан Кремлнинг ғашини келтириш учун, Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада сингари энг ривожланган мамлакатларнинг лидерлари билан висир-висирларини бошлашади.

Ора-сирада, Пентагонданми, Бундесверданми кўп юлдузли погон таққан генераллар ҳам Тошкент, Бишкек, Душанбе ва Ашхободга серкатнов бўлиб қолишади.

Буни кўриб эхонаси чиқиб кетган Кремл, Ўрта Осиё диктаторларининг кўнглини олишга тушади: минтақадаги инсон ҳақларининг бузилиши фактларига кўз юмади, у ердаги диктаторлар ўз халқини қирғин қилса ҳам “Улар диний экстремистларни йўқ қилишди” дея халқаро майдонда гувоҳлик беради, минтақадаги бахсли қурилишларга ҳамда маҳаллий диктаторларнинг бошқа “оламшумул лойиҳалари” (“оилавий лойиҳалари” деб ўқиса ҳам бўлади) учун кам фойзли ёки умуман еб кетарга, катта кичик кредитларни ташлашни бошлайди.

Натижада, кечагина “Россия бизни фалон йил мустамлака қилган!” дея шаллақиларча чинқираётган Ўрта Осиё диктаторлари, бугун сохта бир донишмандлик билан “Бизнинг келажагимиз Россия билан!” деб баёнот беришади.

Шундай дейишади-да, океан ортига кўз тикишади: Бу сафар қанча беришар экан? дея...



Мана 20 йилки, Ўрта Осиё диктаторлари мана шундай усул билан пул ишлаб топишмоқда ва ўз жонларини сақлашмоқда.

Кремлдаги диктаторлар ҳам анойи эмаслар. Ўрта Осиёнинг субутсиз диктаторларини бир йўла жиловлаш учун улар турли ҳарбий ва сиёсий блоклар тузишиб, Тошкент, Бишкек, Душанбе ва Ашхобод хўжайинларини мана шу тузилмалар ичида сақлашга уринишяпти.

Ўз фаолияти давомида ўзбек халқига нисбатан геноцид сиёсатини олиб бораётган Ўзбекистон диктатори Ислон Каримов эса, “дўппи тор келади” вақт яқинлашгани сари ўз хаётини Европа ёки Америка сақлаб қолиши мумкинлигини тушуниб қолди. Тўғрироғи, океан ортидан келган погонли амакилар унга тушунтиришди чамамда...

Кремлнинг талаби балан, Коллектив Хавфсизлик шартномаси ташкилотига (КХШТ) аъзо мамлакатлар ҳудудига хорижий ҳарбий базалар киритилиши таъқиқланганидан сўнг, Каримов бу ташкилотда бошқа қиладиган иши қолмаганини сезди ва КХШТни тарк этди.

Москва Ислон Каримовнинг бу қилиғига кўз юмгандек кўринса-да, арқонни узун ташлаб қўйди ва яна бир “козир карта”сини ишга солди: Россия президенти Путин Ўрта Осиё диктаторларини Божхона иттифоқига аъзо бўлишга чақирди.

У 13 декабр куни мамлакат Федерал Кенгашига йиллик мурожаатида, Марказий Осиё ҳукмдорларининг

қон босимини оширадиган бир сўз айтди:

“Собиқ Иттифоқ республикаларининг фуқаролари энди Россия ҳудудига, хорижга чиқиш учун бериладиган паспортсиз киритилмайди” деди у ўз мурожаатининг қоқ ўртасида.

“Бизда ҳозиргача шундай амалиёт борки, бунга кўра, МДХнинг баъзи давлатлари фуқаролари ҳудудимизга ўзларининг миллий паспортлари билан кириб келишади. Ахир бунақада, яъни бошқа давлат фуқаролари ўзларининг паспортлари билан бизга келишса, самарали миграция назорати қаерда қолади? 2015 йилга қолмасдан, Россияга кириб келиш, бошқа давлатларнинг ички паспортни эмас, хорижга чиқишда ишлатиладиган паспортлари билан амалга оширилади, деб ўйлайман” деди Путин.

Унинг бу сўзлари ўзбек диктатори Ислон Каримовни бир қалқитган бўлса ҳам керак. Чунки, ҳозирда Ўзбекистон аҳолиси асосан Россиядаги мардикорлар жўнатаётган пуллар ҳисобига жон сақляпти.

Миллионлаб ўзбеклар Россия кенгликларига ўз ризқларини теришяпти, оила боқишяпти ва шу билан биргаликда, Ўзбекистондаги даромад ҳақидаги расмий статистик кўрсаткичларни яхшилаб беришяпти. Россияга бораётган ҳар бир ўзбекнинг қўлига хорижий паспорт тайёрлаб беришни эса мамлакат иқтисоди кўтармайди. Ишсиз, оч ва юпун фуқароларининг мамлакат ичида қолиши, жамиятдаги норозилик кайфиятини кучайтиришини, бу эса қутилмаган оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини Ислон Каримов жуда яхши тушунади.

Буни Путин ҳам яхши тушунади ва у шунинг учун, Федерал Кенгашга қилган йиллик мурожаатида, бу тартибни четлаб ўтиш йўлини ҳам айтиб ўтди...

“Божхона Иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудудичида эса, шубҳасиз, бундай қоидалар жорий қилинмайди. Бу ташкилотга аъзо бўлган давлат фуқаролари Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудудига аввалгидек ички паспорт билан юришлари мумкин” деди Путин.

(Давоми 2-бетда)

ЎХХ МУАССИСЛАР МАЖЛИСИНING МАТБУОТ БАЁНОТИ

Жорий йилнинг 17 декабрь куни Россия Ташқи Ишлар Вазири Сергей Лавровнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланади. Ушбу ташриф муносабати билан УХХ куйидаги Баёнотни эълон қилади.

1. УХХ Ўзбекистонга қўшни давлат сифатида Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли ва икки тарафлама манфаатларга асосланган ҳамкорлик тарафдоридир.

2. Ислом Каримов диктатура-

сининг Россия Федерацияси билан муносабати беқарор, ўзаро ишончга асосланмаган ва икки тарафнинг ҳам манфаатларига путур етказадиган сиёсатдир.

3. Россия раҳбариятидан Ўзбекистон билан муносабатларда табиати ғайриинсоний бўлган И.Каримов режими-нинг ниҳояси яқинлигини, Ўзбекистонда яқин муддатларда унинг халқининг маънавияти ва шонли тарихига ярашадиган, инсон ҳуқуқлар таъминланган,

замонавий тараққиётга мос бир давлат тузумининг ўртага чиқишини ҳисобга олишини ис-таймиз.

4. УХХ Россия ҳукуматини бу мамлакатда Ўзбекистондаги ре-жимдан қочиб яшаш ва меҳнат қилишга мажбур бўлаётган ҳамюртларимизнинг инсоний ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақиради.

**ЎХХ Муассислар Мажлиси
17 декабрь 2012 йил**

ҲАЗАБНОК ПУТИН ЎРТА ОСИЁГА ШАРТ ҚЎЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яъни, “Бизнинг иттифоққа қўшилсангиз, кўчангизга байроқ кўтариб чиқадиганлар бизнинг мамлакатда банд бўлишади” деди Путин...

2010 йилда Кремлнинг сайёи ҳаракати билан тузилган ва АҚШ раҳбарияти томонидан «Совет Иттифоқининг энгиллаштирилган варианты» деб номланган “Божхона Иттифоқи”га Беларус, Қозоғистон ва Россия аъзо бўлган. Бу иттифоқнинг энг йирик ва бақувват аъзоси Россия ва табиийки, Божхона иттифоқида унинг айтгани айтган, дегани деган бўлади. Шунинг учун бўлса керакки, икки йирик собиқ шўролар давлати Украина ва Ўзбекистон бу иттифоқ доирасига киришга рўйхушлик беришмаяпти.

Бироқ, Россиялик сиёсий таҳлилчиларнинг фикрича, Каримов Россия таъсири остидаги турли иттифоқлар ва ҳарбий тузилмалар доирасидан бутунлай узоклашиб кетишмайди. Унинг атрофидаги бошқа ҳамкасблари ҳам шу йўлни тутишади.

Кутилганидек, минтақадаги ОАВлари Қирғизистон ва Тожикистоннинг Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудудга қўшилишга тайёр эканлиги ҳақида хабар беришяпти.

Ислом Каримов ҳам Путиннинг «таклифи»ни рад қила олмайди. Ва у кўрсатган ҳар қандай иттифоққа аъзо бўлади.

Акс ҳолда, унинг қизи Гулнора аралашган турли коррупцион ва ва бошқа можаролар Россия матбуотида очикланадики, МТС ширкати ва Швейцария банкларидаги олтинлар билан боғлиқ ғавғолар бунинг олдида холвага айланади. Масалан, Обид қори Назаров ҳаётига қасд қилган ёлланма котил Юрий Жуковский Россия матбуотида чиқиш қилиб, воқеа тафсилотларини ошқор қилиши ҳам мумкин...

Бу эса Каримовга нуқта қўйиш дегани...
Улуғбек Ҳайдаров (Канада)

МАҲКУМИ ДОРСАН, ИСЛОМ КАРИМ!

“Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, ... фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга ... тантанали қасамёд қиламан”.
(И.Каримов қасамёидан).

Шўрпешона ўзбегим, мудом, кўнгли чорак – умри ярим,
Жон – тани ҳукмронларга бахшиш, беқадр ва садқаи сарим,
Оғизда озод саналиб, лек, эзиб – янчилган жигарим,
Сикиб суви-да ичилган, қисмати армонда кечарим –
Унинг бошига ит кунин солган ғайр зотсан, Ислом Карим!

Қашқирий тўданг-ла мамлакатни талаб, бор – йўғин сотдинг,
Ўзбекистондай бой салтанатни хомталашлаб йўқотдинг,
Нажот сўраган оналар – болаларни атайлаб отдинг,
Энди, ажод – авлодинг билан тоабат лаънатга ботдинг –
“Ўз халқкуши” дея, қарғиш олган жаллодсан, Ислом Карим!

Ваъда айлаганинг ўша гуллаб – яшнаган диёр қани,
Эвоҳ, у аксинча – йўқсуллар, куллар, манқуртлар маскани,
Боз, қашшоқлик – ишсизликдан кафангадо қилдинг ҳаммани,
Қасринг – дастингдан ўлган минглар қони, албат, тутгай сани-
Қасамёдга хиёнаткор малъун – қаллобсан, Ислом Карим!

“Келажаги буюк давлат” алдов шиорин ўйлаб топдинг,
Унвон, нишон, сарқитларинг-ла қанча оғизларни ёпдинг,
Жиноят – гуноҳларинг фошловчиларни қутуриб қопдинг,
Буёнда элни хўр ва хор ташлаб, ўзинг юртма – юрт чопдинг –
Ватанни чайқовбозорга солган жаллобсан, Ислом Карим!

Ислоҳотлар, қонунлар-у қарорлар ачиб – бижиб кетди,
Улар, амалда, иқтисодиётни хонавайрон этди,
Жамиятни харомхўрлик, наҳсхўрлик, ўғирлик чиритди,
Тузум ичдан емирилиб, унга марг талвасаси етди –
Мудҳишдур айбларинг-айни жаҳаннамбопсан, Ислом Карим!

“Барчангни бағримга босай” деб, очган оғушинг чоҳ – ўпқон,
Халқни тўқ – тўқис атаб, Худодан қўрқмай, сўйлайсан ёлғон,
Асли, очлик – яланғочлик унинг бўйнига сиртмоқ солган,
Йўқ, президент эмассан ўзинг, балки, бориб турган душман –
Ўзбекни қасдан қийратдинг, унга ёв – ётсан, Ислом Карим!

Гарчи, ювиндихўрларинг бугун йўлингга зарлар сочгай,
Гар, маддоҳларинг сени ота тутиб, падарларидан кечгай,
Аммо, эрта бари ялтоқларинг бошлаб лошингни тепгай,
Ва ўша заҳоти янги хожалари кетини ўпгай –
Ёвуз, қаттоллингинг боис, маҳкуми дорсан, Ислом Карим!

**Туркўғлон,
Тошкент**



ҚУВОНЧ КЕЛТИРГАН “ҚИЁМАТ КУНИ” (фантастик хикоя)

2012 йил 21 декабрнинг ўта совуқ тонгини Ўзбекистон фуқаролари мижджа қоқмай қаршиладилар. Ахир қандай ҳам ухлашсин?! Қиёмат қойим бошланади деб ҳамма ерда гап юрибдию..

Анзират хола тонг қоронғусида “буржуйка” печига куракдаги сўнги кўмирни ташлади ва “Ана, ўтин ҳам, кўмир ҳам битди” дея шивирладию, беҳол тиз чўкди. Ним қоронғу уй ичида кўрпаларга ўранишиб ўтирган ўғли, келини, тўрт нафар набираси ва яна энг бурчақда қунишиб ётган, кечагина ҳарбийдан келган кичик ўғли Акбаржонга қаради.

- Буви, бугун бир иложини топаман, – деди катта ўғил.

- Э, ака, энди буёғига кўмирниям кераги йўқ, – деди Акбаржон ётган жойида куларкан, ахир бугун 21 декабр-ку!

Шундай деди-ю, бирданига ётган жойидан ириб турди ва кампирга тикилиб қолди.

- Газ! деди хайқириб катта ўғил.

Дарҳақиқат, совуқ тушганидан буён уй бурчагида мунғайиб ётган газ печка ичидан писсилган овоз чиқаётган эди!

Уй ичи бирпасда қувончли қийқириқларга тўлди. Бир неча сониялардан сўнг газ печка ичида ёнаётган олов кўринди. Келин дарров чойга уннади. Набиралар қатор бўлиб, ёнлари қизий бошлаган печка ёнига тизилдилар.

Бирданига келин деразага қараб “Вой!” деди-ю, деворни пайпаслаб, чирок ёқадиган тугмачани қидириб қолди.

- Қаранг, қўшнимизникида чирок ёниқ турибди, – деди ва тугмачани босди.

Чароғон уй ичида ҳамма бир бирга қараб кулар, уй ичи эса печкадан чиқаётган ҳароратданми ёки хурсандчилик сабабиданми, тобора исиб борарди.

Набиралар ва кичик ўғил дархол телевизорни ишга туширишди.

Экран ёришар ёришмас, диктор-

нинг овози келди:

“Диккат! Диккат! Президентимиз Ислоҳ Каримов жаноби олийларининг Охир замон мурожатини эшиттирамиз!”

- Мана нега ток ўчмаган экан.., – деди Акбаржон минғийда кулиб.

Бир оз ўтиб, экранда чўтир башара кўринди. Унинг кўзлари ёш, лаблари титраб турарди.

“Азизларим, бугун сизлар билан

сўнги бор юз кўришиб турибмиз. Олинган маълумотларга қараганда, бугун юз бериши қутилаётган Охир Замон, ҳақиқат ва бугун дунёнинг сўнги куни экан.

Мен ва менинг ҳокимларим сизларга кўп азоб бердик, нонингизни тортиб олганимиз етмаганидек, фарзандларингизни бағрингиздан юлиб олдик, уларни камокларда чиритдик”.

Шу тариқа қари диктатор ўзининг барча қилмишларини бирма-бир санаб чиқди. Ўзбекистон бойликларини талон-тарож қилиш орқали топилган бойликлар қаерда беркирилганлиги ва ўша сейфларнинг пин кодларигача ёзиб кўрсатди.

“Айниқса, Андижонда 2005 йилнинг май ойида кўчага чиққан одамларни кириб ташлашга буйруқ берганим менинг энг катта гуноҳимдир. Кечир мени халқим!” деди диктатор ва хўнграб юборди.

“Бироқ бугун сизлар, заминимизнинг сўнги кунларида инсон каби яшайсизлар, уйингизда газ ҳам чирок ҳам ўчмайди. Захиралардаги барча озиқ-овқатлар Сизларга тарқатилади. Неча ойлаб кўрмаётган нафакангиз, ойликларингиз бугун қўлингизга бориб тегади. Қамокларда азоб чекиб ётган фарзандларингиз уйингизга кириб келади” деб давом этди Каримов.

Эшик олдида келиб тўхтаган машинанинг овози ҳамманинг нигоҳини экрандан узди.

- Хола, – деди эшикдан катта сумкани кўтариб кирган почтальон Қаҳҳор чўлок, – мана, 6 ойлик нафакангиз ва келинга болалар пули.

Шундай дея у сумкани дастурхонга ағдарди.

Ўртада уюлиб ётган кўм-кўк пул тахламларига қараб ҳамма қотиб қолди.

- Қанақа пул бу, чўлок? – деди Анзират хола уюмга қараб анқайиб.

- Доллар бу, хола, доллар! Ўзимизни пул қолмабди банкларда, – деди почтальон ва эшикка қараб

йўналди, – Мен борайин, бир машина пул бор, тарқатиб улгуришим керак.

Ўғиллар, келин ва набиралар ҳали ўзларига келмасидан, уйга Акбаржоннинг синфдоши Салим отилиб кирди.

- Дадам келди, акам ҳам!, – деди ва яна ўкдек отилиб чиқиб кетди.

Кампир яна чўккалаб қолди. Салимнинг дадаси ва икки акаси бир кечада ғойиб бўлишган, орадан бир ҳафта ўтгач, уларнинг МХХ ертўласида эканлиги маълум бўлганди. Уларга бир дунё диний айбловлар қўйишган, бўйнига олишлари учун роса қийнашган эди. Судга Салимнинг дадаси ва кичик акасини келтиришди.

Судда ота ҳам бола ҳам ҳамма айбларни инкор қилишди. Айниқса кичик ўғил Обиджоннинг кичкириб айтган сўзлари ҳаммани бир қалқитди: “Ая, акамни ўлдиришди! Уни кўз олдимда шишалар билан зўрлашди, ая! Аяжон, бизни айбимиз йўқ”...

Суд ҳаммани кўчага ҳайдади. Ота-болага 14 йилдан қамоқ жазоси тайинланди.

33 ёшли катта аканинг мурдасини суддан бир ҳафта ўтгач уйга келтиришди.

Шуларни хаёлидан ўтказган Анзират кампирнинг нигоҳи яна экранга қадалди. Энди у ерда чўтир башара эмас, Тошкентдаги энг мухташам Форум анжуманлар саройида бошланган “Охир замонда Сизлар билан, сўнги бор” деб номланган гала-концерт манзаралари эди.

Кампир болаларига қаради. Икки ўғли ва келини ҳам унга қараб туришарди.

- Болам, – деди у келинига қараб, – бунча гаплар бекорга эмасга ўхшайди. Юрт каттаси ҳамма нарсани билади. Уйингизга бора қолинг. Ота-онангиз ёнида бўлинг. Биздан рози бўлинг. Биз ҳам сиздан розимиз...

Келин хўнграганича, кампирнинг бўйнига осилди...

Ўша куни, яъни дунёнинг энг сўнги куни деб айтилган 21 декабрнинг тонгидан бошлаб, ҳар бир ўзбекнинг уйига катта босимда газ ва кучли қувватдаги электр токи улуксиз берилди бошлади. Ҳар бир фуқарога 10 килограмдан гўшт, 3 қопдан ун, 100 литрдан ёғ ва яна бошқа кўпчилик ҳаттоки номини ҳам билмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

21 декабр куни ўзбек халкининг асл фарзандлари, дунёнинг энг сўнги кунини яқинлари даврасида яқунлашлари учун, қамоклардан озод қилинди.

Не ажабки, эълон қилинган Қиёмат қойим куни Ўзбекистоннинг ҳар бир маҳалласи ва хонадониди байрамона кайфият ҳукм сурадди!

Уйлар иссиқ, чироқ ёруғ нур сочиб турибди. Қозонларда ҳар хил овқатлар биқирлаб қайнаб ётар, телевизорларда эса эрталабдан кечга қадар ретро фильмлар намойиш қилинади...

ҚУВОНЧ КЕЛТИРГАН “ҚИЁМАТ КУНИ” (фантастик хикоя)

Об-ҳаво ҳам Охир замон куни инсонларга ўзининг гўзал онларини ҳадя қилмоқчидай, Ўзбекистон заминини оппоқ қорга буркади. Пағапаға ёғётган оппоқ қор болалар тугул, катталарни ҳам кўчага ҳайдади. Ҳамма хайрат билан самога тикиларди. Қорамтир осмон ўз бағрида оклик яширинганини кўрсатмоқчидай, одамлар узра тинмай қор зарраларини пурқарди...

Хуллас, 21 декабр куни Қиёмат қойим содир бўлмади.

Эртасига ҳам. Индинига ҳам.

Уйларда газ ловуллаб ёнар, электр ҳам ўчмас эди... Одамлар тинмай намоз ўқир эди...

26 декабр куни эрталабдан ҳар бир маҳаллага ҳокимиятдан чопар келди.

“Одамларга хабар берингларики, бугун кечки пайт президентимиз телевизор орқали чиқиш қиладилар. Ҳамма кўриши шарт!”

Анзират хола телевизор қаршисида ўтирган болаларига қараб:

- Нима дер экан бу сафар? Қиёмат куни қачон бўларкан? – деди.

Телевизор экраниди: “Ўзбекистон республикаси президенти Ислоҳ Каримовнинг ўзбек халқига фавқулодда мурожаати” деган ёзув бирпас кўринди ва яна ўша таниш башара пайдо бўлди.

Бу сафар у экрандан ўзининг ҳаммага таниш макрона табассуми билан қараб турарди. Кўзлари ҳам аввалги чиқишидаги каби қизариб чўкиб қолмаган, аксинча, шафқатсиз ёғду сочарди:

“Азизларим. Хозиргина бизга маҳсус халқаро идоралардан хабар келди. Оллоҳимиз бизни асрабди, Қиёмат куни ортга сурилибди. Олимлар қадимий Майя қабиласи календарларини нотўғри ҳисоблашган экан. АҚШ

ва Исроил олимлари бу ҳисоб китобларни қайтадан замонавий компьютерлар солиб текширишди. Маълум бўлишича. Майяларнинг календари 2012 йилнинг 21 декабрида эмас, 2121 йилнинг 21 декабрида тамом бўлар экан. Барчангизни Янги кун билан табриклайман. Эртадан бошлаб мен яна Сиз азизлар билан биргаман ва биз ўзимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларимизни давом эттирамиз. Юртимиз ривожига ва равнақига кўз олайтиришни давом эттирган учинчи, тўртинчи ва бешинчи қора кучларни йўқ қиламиз. Энди бизларни йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди.

Янги кун муборак бўлсин, азизларим. Ҳаммангизни бағримга босаман!”

Мурожаат сўнгида президент камерага қараб ғалати тиржайди ва ғойиб бўлди.

- Худога шукур, – деди Анзират кампир, – Ўғлим, бор, келинни келтир. Аллоҳ раҳм қилибди. Набираларим олдимда бўлишсин-е...

Катта ўғил чиқиб кетди.

Акбаржон эса ўтирган жойида бир нуқтага тикилганича қотиб қолганди.

- Буви, тунов куни пуллар қаерда?, – деди у кампирга қараб.

- Сандиқда. Нима эди, ўғлим?

Ўша тунда Акбаржон ҳамма пулларни ҳовлининг бир бурчига олиб бориб кўмиб ташлади.

Буни деразадан кўриб турган кампир “Бу бола кўп нарсани билади. Отасига тортди шу болам” деди ўзига ўзи.

Нима учун бундай қарорга келганини Акбаржон онасига осон тушунтирди.

“Бу президентни гапларидан, у яна аввалги сиёсатини давом эттирдиганга ўхшайди. Унинг тиржайганини кўрдингизми? Эртаданок ҳар бало бўлиши мумкин. Буви, мана кўрасиз, пулларни ва бошқа нарсаларини қайтариб олади бу муттаҳамлар”

Отасига тортган кичик ўғилнинг гаплари тўғри чиқди.

2012 йил, 27 декабр, тонг сахарда кампир совуқ қотиб уйғониб кетди. Аввалига ҳеч нарсага тушунмай шипга тикилиб ётди. Кейин, қандайдир шахт билан ирғиб ўрнидан турди ва уй бурчагидаги газ печига қаради. Печка ўчиб қолган эди!

Кампир деворни пайпаслаб, электр чироғи мурувватини буради. Во ажабки, неча кундан буён чарақлаб ётган чироқ ҳам ёнмади!

Кампирнинг елкалари музлади.

Ним қоронғу уйнинг дераза ойналари ҳам қалин қиров билан қопланган, рўпарадаги катта ўғилнинг уйдан эса кичик набирасининг чинқириб йиғлаган овози чиқарди.

“Ухлаб қолишган. Газ ўчган ва бола музлаган!”

Кампир қандай қилиб ташқарига чиқиб, катта ўғилнинг уй эшиги олдида бориб қолганини ҳам сезмади.

Бир пасда нариги хонадан кичик ўғил ҳам дийдираб югуриб чиқди.

- Ана, буви, айтдим-ку, булар ҳамма нарсани қайтиб олади яна деб, – деди Акбаржон онасининг елкасига тўнини ёпаркан.

Ўша тонгда икки ўғил яна катта хонага “буржуйка”ни қайтариб олиб киришди. Утган куни Акбаржон уйга олиб келган 4 тонна кўмирга қараб, кампир қувонди. “Шу болам отасига тортганда. Газ бор, свет бор, нима қиласан кўмирни деб уришибмиз-а уни...”

Гуриллаб ёнаётган кўмирли печка уйни бирпасда иситди. Лекин Анзират кампирнинг қалбига ҳарорат кирмади. Шу орада эшик очилди ва Салимжон кириб келди. Унинг қовоқлари шишиб кетган, кўзлари ёш эди. У эшик олдидаёқ Акбарга қараб:

- Дадамни ва акамни яна олиб кетишди, – деди ва хўнграб йиғлаб юборди...

Ўша куни, яна ҳамма уйларда газ ва чироқ ўчди. 2, 3 кун қишлоқ оралаган қоп-қора машиналар, қамокдан чиққанларнинг ҳаммасини яна олиб кетди.

30 декабр куни эрталаб чироқ ярим соатга ёнди ва телевизор экранидан мўралаган чўтир башара “Янги ўзбек сўми чиқардик, янги йилни 1 январидан кучга қиради. Ўтган ҳафта тарқатилган кўп миқдордаги нафақа ва маошларни банкларга қайтаринг, акс ҳолда қуйиб қоласиз” – деди.

Одамлар бир кун ичида қоп-қоп пулларни банкларга ташидилар.

Бироқ, янги йилнинг 1 январидан муомалага киритилиши айтилган янги ўзбек валютасидан дарак ҳам бўлмади.

Фақат, УзА ахборот агентлиги икки қатор совуққина хабар тарқатди:

“Техник сабабларга кўра, янги валютаимизнинг муомалага киритилиши 2016 йилнинг 1 январига қолдирилди”

Чироқлар ўчди, газ ғойиб бўлди, собиқ маҳбуслар қамоқхоналарга қайтарилди. Ҳукумат фақатгина тарқатилган озиқ-овқатларни қайтариб ололмади холос...

Кунлар эса совугандан совиб борарди...

Шундай қилиб, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон яна Қиёмат қойим шароитига қайтди...

Улуғбек Хайдаров

Яқинда фиску-фасод сайти бўлган “zamondosh” сайтида эълон қилинган бир материални ўқиб, “Бирлик” партиясининг ҳозирги раҳбарлари Абдурахим Пўлатов, Пўлат Охунов, Васида Иноятова ҳамда шу партияга алоқадор яна бир шахс Анвар Каримовдан нафратланиб кетдим.

Мазкур сайт томонидан 2012 йил 9 декабрь куни эълон қилинган “Вой аламжон, жон алам ёки “99” йилда ҳам ақли кирмайдиган Бирлик му-



ОҒЗИДАН ГУЛАБ ҚЎЙИБДИ! ЁХУД “БИРЛИК” РАҲБАРИЯТИНИНГ КАРИМОВГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНИГА ЯНА БИР ДАЛИЛ

овини” сарлавҳали материалда Анвар Каримовдан олинган интервью берилиб, унда партиядо бўлаётган воқеалар тилга олинган.

Сайт муҳарририятининг “Бирлик” деган фирқа ҳозир ҳам борми?” деган саволига жавоб бераётди, Анвар Каримов шундай деган: “Бунга жавоб топиш қийин. Менимча четдаги раҳбарлари «бўлса бўлди, бўлмаса йўқ» қабилида иш тутишади. Ўзбекистонга қайтишга уларда ҳеч қандай имконият йўқ. Пул ҳам, ҳукумат билан алоқа ҳам, ташқи ёрдам ҳам йўқ. Европадаги учрашувлари эса, бу информацион ўйин, аслида натижа бермайдиган, туристик поездкалар. Ягона катта учрашувлар мен Пўлат ака билан Брюсселга борганимда бўлган. Бу учрашув

натижасида, санкциялар ечилиб И.Каримов ЕИга ташриф буюришига имконият яратилган. Президентни ташрифи кераклигини бу суҳбатларда биз тасдиқлаганмиз. Европа ва Ўзбекистон алоқалари яқин бўлишини истардик”.

Каримов ҳукумати 2005 йил май ойида Андижонда тинч аҳолини ўққа тутгани учун ЕИ расмий Тошкентга нисбатан баъзи санкцияларни эълон қилганди. Каримов диктатурасига қарши санкциялар жорий қилинишини дунёдаги барча демократик кучлар, шу жумладан, ўзбекистонлик муҳолифатчилар ва ҳуқуқбонлар олқишлаганди.

Диктатурага қарши эълон қилинган жазо жораларини бекор қилишни ўша йили фақат Гер-

мания, Россия, Хитой ва Исроил ҳукуматлари талаб қилишган эди. Энди маълум бўлишича, Андижон қатлиомидан сўнг “Бирлик” раҳбарияти ҳам айнан шу талаб билан елиб-югурган экан.

Ифлослик ва хоинликни каранг! Брюссельдаги учрашувларда ёш “бирлик”чи Анваржон (“Бирлик” партиясининг асосчиларидин бири марҳум Олим Каримовнинг невараси!!!) “Ўзбекистондаги ягона демократ муҳолифатчилар” Пўлат акаси ва Васида опаси билан биргалашиб, Исроил Каримовга нисбатан жорий қилинган Оврўпа Иттифоқиға киритилмаслик жазосини олиб ташлашни сўрашган...

Мана сизга “Бирлик”! Мана сизга Абдурахим Пўлатовнинг, Пўлат Охуновнинг, Васида Иноятованинги ва Анвар Каримовнинг асл башаралари!

“Бирлик” раҳбарлари Каримов ўқларидан қурбон бўлган андижонликларга нисбатан хоинлик қилиб, қотил режим манфаатлари учун хизмат қилганини бошқалар эмас, “бирлик”чилар ўз оғзидан билан айтган!

Каримов диктатурасига қарши эълон қилинган санкциялар кейинчалик Оврўпа Иттифоқи томонидан бекор қилинганда кенг демократик жамоатчилик Германия, Россия, Хитой ва Исроил раҳбарларини роса қоралаганди.

Мана орадан 7 йил ўтиб, Каримов манфатлари учун хизмат қилганлар орасида нафақат олмон, рус, чин ва яхудий иккиюзламачилари, балки “Бирлик”дан чиққан муттаҳамлар ҳам борлиги ойдинлашди.

Абдурахмон САИДОВ

Ўзбекистон Республикасининг Ички Ишлар Вазирининг Б.Матлубов жанобларига «Мардикорлар Мустақил Касаба Уюшма Ташкилотини» раҳбари Н. Джуманиёзовдан

Ш И К О Я Т

«Мардикорлар Мустақил Касаба Уюшма Ташкилотини»нинг аъзолар ҳеч бир огаҳлантирилмасдан ва уларга сабабини тушунтирилмасдан, меҳнат биржаларида ИИБ ходимлари томонидан ноҳақдан олиб кетилаётган мардикорларни вақтинча сақлаш ҳибсхонасида уларнинг панжа ва бармоқ излари олинаётганлиги тўғрисида аризалар келиб тушмоқда...

Мен Сиздан Ўзбекистон халқига ИИБ ходимлари томонидан содир этилаётган Уз.Рес. Конституцияси моддалари ва Инсон Ҳуқуқлари Ҳалқаро Декларация қонун моддаларининг кўпол равишда бузилаётганлиги сабабларини ошқора, матбуот, радио ва телевидение орқали жамоатчиликка билдиришингизни талаб қиламан.

Бу ҳатти ҳаракатлар минглаб ва ўн минглаб инсонларни норзилик митингларга чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Хурмат ила
Н.Джуманиёзов
Офис: Тошкент-115,
Чилонзор тумани,
Нафосат кучаси 8

ТОШКЕНТДА МАРДИКОРЛАР КАСАБА ТАШКИЛОТИНИНГ ЙИФИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Хуқуқ фаоли ва ЭРК партияси Марказий Кенгаши аъзоси Абдулла Тожибоевнинг хабар қилишича, Тошкентдаги Қўйлиқ бозорида мардикорлар касаба уюшмасининг биринчи таъсис мажлиси ўтказилган.

Анжуманда анчадан буён режалаштириб келинган мажлис раиси, котиби, тафтиш қўмитаси раиси ва ёрдамчилари сайлаб олинган.

Абдулла Тожибой ўғли «Мустақил мардикорларнинг профсоюзи» раҳбарлигига номзоди кўрсатилган Нуриддин Жуманиёзовни бир овоздан сайлаб олганларини айтади.

Унга кўра, ташкилот раисини сайлаш ва Низомини қўриб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланган.

17 меҳнат муҳожир қатнашган мажлис Мустақил мардикорлар ташкилоти Низомини қабул қилишган.

Эндиги вазифа тегишли хужжатларни тайёрлаб, Адлия вазирлигига топшириш ва ташкилотни рўйхатдан ўтказиш бўлади.

А.Тожибой ўғли бошчилигидаги фаоллар бир неча ойдан буён Мардикорларнинг мустақил ташкилотини тузиш ҳаракатида юришган эди.

Улар бир неча бор мардикорлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга уринган пайтларида милиция ходимлари томонидан ушлаб кетилган ва жарималарга тортилган.

Бироқ милициянинг ўзи қонунга хилоф равишда иш тутгани боис, фаоллар бироз муддат ички ишлар бўлимларида ушланиб, тушунтириш ишларидан сўнг қўйиб юборилган.

ЭРК партияси Марказий Кенгаши аъзоси А.Тожибойнинг айтишича, бугун уларнинг йиғилишига ҳеч ким халақит бермаган.

Хуқуқ фаолига кўра, милиция ходимлари уларни иш берувчи ҳисоблаб, мардикорлар ўраб олгач

этибор бермаган бўлиши мумкин.

Хуқуқ фаоллари мардикорларнинг хуқуқлари ташкилот томонидан ҳимояга олинмаса бу тоифа кишилар жамиятнинг энг ҳимоясиз ва ночор қатламига айланиб қолганини таъкидлашади.

“Ўзбекистон милицияси шу даражага борганки, қийналиб пул топган мардикорларнинг ишлаб топганини шилиб, ўзларини қамаб қўйган ҳоллари кўп бўлган. Бунга сабаб мардикорлар ўз хуқуқларини, қонунни билишмайди”, – дейди А.Тожибой ўғли. Тузилажак янги ташкилот ана шу масалаларни маълум даражада ҳал қилинишига ёрдам беради деб умид қилинмоқда.

”Ўзбекистон Конституциясининг 34-моддасига биноан ҳар бир фуқаро касаба ушмасига аъзо бўлиши мумкин. Бу қонунда кўрсатилган ва биз нодавлат ташкилоти тузиш хуқуқига ҳам эгамиз. Ҳозир шароит шундай бўлиб қолдики, ташкилотни қим тузаётгани ва раҳбарлик қилишига қараб уни рўйхатдан ўтказадиган бўлишган, дейди Абдулла Тожибой ўғли.

Шунга қарамай, хуқуқ фаоли ташкилотни рўйхатдан ўтказиш, сўнгра бошқа режалар устида ҳаракат қилишни маъқул кўрмоқда.

Ўзбек ҳуқуқати мамлакатда ичкари ва ташқарисида қанча ишсиз одам, мардикорлар борлигини ошқор этмайди.

А.Тожибойга кўра, Ўзбекистон ичкарисида қарийб 4,5 миллион мардикор бор.

Ташқарида, биргина Россияда Марказий Осиёнинг асосан уч давлати, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг миллионлаб фуқаролари тирикчилик ташвишида юрибди.

Мурод Човуш

ТОШКЕНТДА ЯНГИ ЙИЛ ҚЎРҚУВИ: МАРДИКОРЛАРДАН БАРМОҚ ИЗЛАРИ ОЛИНМОҚДА

Ўзбекистонда, Ўзбекистон Бош Вазири Мирзияев Ш. чиқарган қарорга асосан янги йил олди яъни антитеррор ва тўсиқ тадбири ўтказилиши муносабати билан, Ўзбекистондаги меҳнат биржалоаридаги мардикорларнинг мажбурий жойларида ушлаб олиниб, махсус автобусларда уларни махсус пунктларга олиб борилиб, бармоқ излари олинмоқда.

Бу тўғрисида ўз исмини сир сақлашни айтган милиция ходими тўлиқ маълумотлар берди.

Менинг фикримча, шу кунларда “Мустақил Мардикорлар Касаба Уюшма”си аъзолари сони ўта кўпаяётганига ва уларни шу йўллар билан ҳуқуқат ўз назоратга олаётганидан дарак деб биламан.

Чунки ҳозирда кўплаб мардикорлар ташкилотларга аъзо бўлаётганидан ҳуқуқат ўта ташвишда кўринади.

Абдилло Тожибой ўғли
“Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун”
жамоат бирлашмаси

САМАРҚАНДА АЁЛЛАР “ТОШКЕНТ-САМАРҚАНД” ЙЎЛИНИ ТЎСДИ

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Самарқанд маҳалласида истиқомат қиладиган юзга яқин аёллар 17 декабр куни эрталаб гўзапоя қўлтиқлаб ва автомобилларнинг эски шиналари думалатиб Тошкент-Самарқанд автомагистралига тўпландилар. Бу ҳақда «Озодлик» радиоси хабар берган. Хабарга кўра, аёллар гўзапоя ва автомобил шиналарини йўлни ўртасига тўплаб, ёқмоқчи бўлишган:

- Юзга яқин хотинлар гўзапоя ва баллонларни думалатиб йўлга чиқишди. Булар асосан катта магистрал йўлнинг четидаги Самарқанд маҳалласида яшайдиган аёллар эди. Улар гўзапояларни йўлнинг ўртасига йиғиб, устига баллонларни ташладилар. Ўзлари эса живой шит бўлиб йўлни тўсдилар,- дейилади хабарда.

Ярим соат давомида йўлнинг икки томонида ҳам 3 километрлик масофада машиналар пробкаси вужудга келган. Бу хабар бир зумда ҳокимиятга етиб борди ва Булунғур тумани, Самарқанд вилояти ҳокимиятларидан амалдорлар етиб келди. Мелисалар босиб кетди. Аёллар эса қачон бизга газ ва свет берасизлар, кейин йўлни очамиз, бўлмаса ўлдирсаларинг ҳам, отиб ташласаларинг ҳам кетмаймиз дейишди. Кейин музокара бўлди, ҳокимлар газ ва светни берамиз деб ваъда бериб, аёлларни кўндирди. Бир соатдан сўнг йўл очилди,- дейилади яна хабарда.

Шу куни кечкурундан бошлаб газ таъминоти туманда бир оз яхшиланган.

- Газ сал яхши бўлди, ҳар ҳолда аввалгидан яхшироқ. Свет эса ўшандай, қунига икки ярим ёки уч соатдан беряпти, бошқа ўзгариш бўлгани йўқ,- дейилади хабарда.

Булунғур тумани ҳокимлигининг мулозими, ҳақиқатан ҳам аёллар 17 декабр куни Тошкент-Самарқанд автомобил йўлини тўсганлигини тасдиқлаган.

Булунғур тумани газ таъминоти идорасининг мулозими эса, шу воқеадан сўнг аҳолининг газ таъминотини яхшилаш учун махсус гуруҳлар тузилганини айтди:

- Энди ҳақиқатан ҳам аҳолига қийин. Лекин аҳолининг қарздорлиги ҳам катта. Ҳозир қарзларни тезроқ ундириш ва газ таъминотини яхшилаш учун ишлар олиб бормоқдамиз. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, – деди газ таъминоти идорасининг мулозими.

И.КАРИМОВНИ СУДГА БЕРГАН ФУҚАРОНИ ҚАМОҚҚА ОЛИШДИ

Қашқадарё вилоятида яна бир ҳуқуқбон ҳибсга олинган. Бундан бир ойча илгари ҳибсга олинган Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшаб келган Чўян Маматқулов 2005 йилнинг бошида Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти (УИХЖ) аъзоси бўлган ва Жамият ҳаётида етарли даражада фаоллик кўрсата олмай қолганлигига узрли сабаблар ҳам бор. Янги ҳибс этилган ҳуқуқбонга тергов органлари анчадан бери қўлланилмай келинаётган усулни қўллашганлиги айтилмоқда. Яъни уни гиёҳванд модда сақлаганликда айблашган.

Шу билан бирга Чўян Маматқуловнинг Матиз русумидаги шахсий автомашинаси ҳам давлат фойдасига мусодара этилган. Ҳозирча бор маълумот шу. Суд ҳукми ўқилган, ёки ўқилмагани ҳақида ҳам маълумот йўқ.

2004 йил охири ва 2005 йил бошида Чўян Маматқулов Ўзбекистонда кўпчилик ҳуқуқбонлар ва сиёсий муҳолифат фаолларининг оғзига тушганди. У Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг устидан

Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари судига арз қилиб, президентни судда жавобгар қилишга урингани ортидан, таъқиблар остида қолганди. Контракт асосида ҳарбий хизмат ўтаётган Чўян Маматқулов 2000 йилда хизматдан қувилган ва ўзининг ноҳақдан ноҳақ хизматдан ҳайдалганига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Қўмондонлигининг Бош Қўмондони ҳам бўлган Ислом Каримовни айбдор деб кўрсата олганди (<http://iwpr.net/>)

Унинг бу ҳаракати ўша даврда Ўзбекистонда расман фаолият олиб борган “Америка Овози” ва “Озодлик” радиосининг ҳам диққатига тушди.

Ҳуқуқбон Тошкентда Freedom House идорасида ўзининг матбуот конференциясини ҳам ўтказиб, унда ошқора тарзда И.Каримов Ўзбекистон қонунларини ҳурмат қилса, судга келишга даъват эта олди. Унинг УИХЖ га аъзо бўлиш учун берган аризасини ташкилотнинг ўша дамдаги раиси бўлган Толиб ака Ёқубов қабул қилган. Албатта Ч.Маматқуловнинг Ислом Каримовни судга бериш

ҳаракати натижаси нолга тенг бўлиши, олдиндан маълум эди. Яъни, Ўзбекистонда судьяларни Ислом Каримов ишга тайинлайди ва Ислом Каримов истаган вақтида уларни вазифасидан озод этади. Мамлакатда суд ҳокимияти ижроия ҳокимиятига бўйинсунган ҳолда фаолият олиб боради.

Кейинчалик Чўян Маматқулов ўзига ўхшаб ҳақсизликка учраган инсонларни жамоат-ҳимоячи сифатида суд ва тергов органларида ҳимоя қилиб келди. Узи қишлоқ жойда яшаётгани сабаб, асосан қишлоқ – фермер хўжаликлари унинг диққат марказида бўлди. Бироқ ҳуқуқбон Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти маркази билан алоқада бўла олмади. 2005 йилнинг 13 май кунида Андижонда содир этилган қирғин ортидан кўплаб ҳуқуқбонлар, сиёсий муҳолифат партиялари вакиллари, ҳамда мустақил журналистлар ватанни тарк этишга мажбур бўлгандилар.

Табиийки, Қашқадарё вилоятининг Косон туманида бундан бир ойча муқаддам Чўян Маматқуловнинг ҳибсга олинганлиги хабари бизгача энди етиб келди.

Тўлқин Қораев,
Швеция

МОСКВАДА ЎЗБЕКЛАРГА БОСИМ КУЧАЙМОҚДА

Хоразмдаги “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти раҳбари Ҳайитбой Ёқубов ўзбекистонлик муҳожирлар аҳволини ўрганиш мақсадида Россия пойтахти ва Москва вилоятига сафар қилган. У сафари ортидан чоп қилган баёнотида айтишича, ишлаётган ва ишсиз ўзбекистонликларни ҳар ерда учратиш мумкин, кўпларнинг аҳволи ачинарли, ҳамда ўзбек муҳожирларни депортация қилиш жараёни қизиган.

“Москвада ўзбеклар вокзаллар олдидаги ҳиёбонлар ва кўчаларни супуради, ошхоналарда, қурилиш майдонларида ишлайдилар, автобуслар ҳайдадилар, арава тортадилар. Лекин, ўта оғир ишларни қилиб, жуда қийин аҳволда яшаётганлар ҳам бор. Ундан ташқари, метростанциялар, темир йўл бекатлари, бозорлар ва турли жамоат жойларида тиланчилик қилиб юрган ва ўзини фоҳиша сифатида тақлиф қиладиган, ёки ҳужжатларни тўғирлашга ёрдам беришни тақлиф қиладиган ўзбеклар ҳам учрайди”, – дейди фаол.

Унинг айтишича, бошқа

муҳожирлар билан солиштирганда айниқса ўзбекларга нисбатан полиция ва бошқа муҳожирот идораларининг қаттиққўллиги ошганини сезиш мумкин.

Ҳар бир ўзбек муҳожир Федерал Миграция хизматидан ишлаш руҳсатини олиш жуда қийин бўлгани ва бу жараён порахўрликка ботганидан шикоят қиладилар. Унинг айтишича, руҳсат олишни истаган ҳар бир фуқаро 25000-30000 рубль (814-977 доллар) пора бериши керак.

Ёқубовга кўра, руҳсат олишга қурби етмаган муҳожирлар мустақил тарзда иш қидириб, турли муаммоларга дуч келадилар, ва баъзи ҳолларда қулликка тушишлари, ёки йўқолиб кетишлари мумкин. Баъзилар маошларини ола олмай, касодга учрайдилар.

“Яшаш шароитларининг етишмаслиги, турар жой топишдаги қийинчиликлар туфайли кўп сонли муҳожирлар бирга кичикхужраларда яшашга мажбурлар. Москва вилоятидаги турар жойга масъул идоралар ишчи муҳожирларни сиқиштира бошлашган. Бир маҳаллий аёлнинг билдиришича, маҳаллий ҳокимият

унга хонадонларни ижарага олган муҳожирлар борасида маълумот туплаш ва уларнинг дини, намоз ўқиш ё ўқимаслиги борасида маълумот йиғиб, полицияни хабардор қилиш топшириғини берган”, – дейди фаол.

Унинг айтишича, 2014 йил ўтиши кутилаётган Сочи Олимпиадасидан аввал янада кўпроқ ўзбекларни депортация қилиш режаланган. Матбуотда эса ўзбек муҳожирларини ёмонотлиқ қилувчи мақолалар ва хабарлар кўпайган.

Ёқубовнинг айтишича, ортда аёллари ва ўртача ҳисобда учтўрт фарзандини Ўзбекистонда қолдирган баъзи эрақлар Ўзбекистонга умуман қайтишмайди.

“Сафар чоғида тўрт аёлнинг эрлари топилди, уларга Ўзбекистонда қолган оилаларининг қийин аҳволи тушунтирилди. Баъзилари Ўзбекистонга қайтишга рози бўлишди ва баъзилари пул бериб юборишди. Бошқалари эса Москвада уйланиб, доимий равишда Россияда қолишларини айтишди”, – дейди фаол.

bbc.co.uk/uzbek/



МАРДИКОР ПОРТРЕТИ

Мардикор ёлланма ишчи бўлиб, иш берувчи билан фақат иш ҳақи бўйича оғзаки шартнома тузувчи шахсдир. Иш берувчи мардикорни ишлатиб, шартлашган иш ҳақини бермаслиги ҳам мумкин. Нега-ки мардикор мамлакатада ҳеч қандай ҳуқуқий ҳимояга эга эмас.

Мардикор мамлакатимизда ишлаб чиқариш ривожига мутлақо йўлга қўйилмаганлиги ва ишчи ўринларининг йўқлиги оқибатидан вужудга келган ижтимоий қатламдир. Мамлакатдаги оммавий ишсизлик нафақат фуқароларимизнинг ижтимоий аҳволини оғирлаштираяпти, шунингдек уларнинг бошқа ҳаётий тушунчаларига ҳам, таъсир қиляпти.

Ислон удуми бўйича ўғилнинг отадан бешта ҳақи бор:

- Туғилганда, яхши ном қўйиши,
- хатна(суннат)қилдириши,
- ўқитиши(имонга),
- қасбга ўргатиши,
- уйлантириши.

Ота ўғилни уйлантириши билан ўз зиммасидаги оталик бурчини адо қилган бўлади. Яъни, ўз зурриётини ҳаётга узил кесил тайёрлаган бўлади. Энди келин ва куёвнинг ота оналаридан мустақил ҳаёт кечирishi ҳар тамонлама мақсадга мувафиқдир. Шундан кейин ёш оиланинг кун тартибидаги биринчи масала кун кечирishi учун ва уй-жой учун даромад топишидадир. Мамлакатда ишчи ўринлари керагидан бир неча баробар кам.

Уй жой муаммосининг ечими фақат мамлакатнинг бугунги раҳбарияти алмашсагина амалга ошадиган фактдир. Бугун эса бу муаммо, телевизорларда рекламалардагина ҳал қилинган.

Янги қурилган оила аъзоларнинг кўпчилигида мардикорлик билан даромад топишдан бўлак имкон йўқ.

Шунинг учун ҳам мамлакат ёшларининг аксарият қисмида олим, врач, инженер ёки журналист бўлишдек орзуларнинг пайдо бўлиши, ҳақиқатдан узоқдир. Юксак технология бутун дунёга тарқалаётган замонда, Ўзбекистон ёшлари ўқишни эмас, балки орзуларни чегаралаб, ўзини, оиласини пулсизликдан ҳимоя қилиш мақсадида мардикор бўлиш тақдирини танлайдилар.

Ўзбекчиликда ҳалол меҳнатнинг барча тури шарафлидир дейилади. Мардикорлар таркиби асосан ёшлардан ташкил қилади.

Мамлакатимизда ёлғиз оналар тушунчаси ҳам пайдо бўлган. Ёлғиз оналар ҳам пулсизлик муаммолари ечимини мардикор бозоридан изляптилар. Жамиятда ёлғиз оналар қатламининг пайдо бўлиш сабабларидан бири ишсизликдан бўлса, қолгани эса жамиятдаги маънавий ва ахлоқий нормаларда урф одатларимизга зид жиҳатларнинг пайдо бўлаётганлигидандир. Жамиятимизда ахлоқий нормаларнинг бузилиш сабаблари қаерда? Мамлакатимизда дин, тарбия ва маъриф соҳаларидаги ўқув тажриба амалларида “юртбоши” мизнинг халқимизни “чегарадан” чиқиб кетмаслигини таъминлайдиган шахсий талаблари мавжуд. У кишининг истақларига қараганда ўзбек халқи чуқур маънавий билимга эга бўлмаса ҳам бўлаверади. Чунки етук маънавиятга эга бўлган инсонлар жамоасида, Каримовдай ўзбошимча раҳбар, аллақачон ўз хизмат лавозимдан ажралган бўлар эди. “Юртбошининг” бу талаблари, тахтда узоқ вақтлардан бери ўтиришини таъминлаётган омилдир.

Контракт усулда таълим олаётган талабалар, асосан ўрта ҳол оиланинг фарзандларидирлар. “Пул қўлнинг киридир”, деган нақл Каримов режимида жуда мос келади. Режим кўплаб ота -оналар иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, уларни бирданига контракт тўловларини тўлай олмайдиган қиляпти. Шунда талабанинг контракт пулини топиш истаги, мардикор бозорларида реал амалга ошади.

Талаба-мардикор, ўқишдан қолиб мардикорликда пул топади. Мардикор бозорларида, олийгоҳ та-

лабалари сероб. Натижада ўқув программасининг тўла циклини ўтмаган талаба мутахасислик дипломни ҳам олади. Албатта, бу жамият ривожига зарардир.

Мамлакатимизда ишга яроқли аҳолининг 10% ишчи ўринларда иш билан машғул. Улар ўтаётган иш кунларига ҳақ оладилар. Лекин бу иш ҳақи оиланинг кун кўришига албатта етмайди. Шунинг учун кўпчилик ишчи ва зиёлийлар ишдан бўш вақтларида мардикор бозорда иш излайдилар.

Ўзбекистонда, мардикор деган захматли, тоза ва ҳалол касбни ўз тирикчилик манъбаи қилиб олган инсонларимизнинг умумий сони 7 миллиондан 10 миллионгачадир. Улар турли хил жамиятимиз қатламини ташкил қиладилар. Ҳозиргина кўриб чиққанымиздек,

1.Балоғат ёшидаги, ишлашни ҳоҳлаётган лекин иш топа олмаётган ёшлар.

2.Жамиятга, у ёки бу сабабларга кўра ёлғизланиб қолган оналар.

3.Кун кўриш муаммолари учун пулга зарур талабалар.

4.Корхоналарда ишчи ўринлари бўла туриб, лекин қўшимча даромад топишга мажбур бўлган фуқаролар.

5.Турли хил ёшдаги, пулга эҳтиёжи бўлган шахслар.

Мардикорлар армияси расман ишсиз, лекин оиласининг кун кечирishi муаммоларини вақтинчалик иш фаолияти билан таъминлайдиган ва ижтимоий ҳимоясиз фуқаролардир. Сон жиҳатидан мамлакат ишга яроқли аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилади.

Иқтисодимизнинг ўтириб қолганига қарамасдан, четда ишлаётган мардикорлардан тинимсиз ва катта ҳажмда мамлакат ичкарасига валюта келиб тушаяпти.

Бугунги мардикор, эртанги инклубий ўзгаришлардан кейин, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кўтарувчи тайёр ва кучли мутахасислар манбаидир. Эртанги куннинг келишига оз фурсатлар қолди. Мардикорларимиз кучини, яъни келажак шчилар кучини инобатга олувчи мамлакат тараққиёт режаларини ишлаб чиқишимиз зарур.

Аллоҳ, ниятларимизга ривож берсин. Омин.

Жуманиёзов Н. Р.
ЭРК ДП аъзоси



2003 ЙИЛ 26 НОЯБР КУНГИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ БОРАСИДА «БИ-БИ-СИ» РАДИОСИ ТОМОНИДАН ҲОЗИРЛАНГАН ЛАВҲА

(2003 йил, 27 ноябр куни эфирга узатилган)

Бошловчи Ибрат Сафо:

Ўзбекистонда 1999 йилги Тошкент портлашларининг асосий гувоҳларидан бири Ўзбекистон МХХ ни шу портлаш режасини аввалдан билганлик ва унинг олдини олмаганликда айблаган. Тошкентдаги ҳибсхонада МХХ ташкил этган учрашув чоғида журналистларга гапирган Зайниддин Асқаров, шунингдек, портлашларга муҳолифатдаги «Эрк» демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳнинг алоқаси борлиги ҳақида бундан 4 йил аввал маҳкама жараёнида берган кўрсатмаларини қатъиян рад этган. У «Эрк» раҳбарига қарши ва суд жараёнидаги бошқа гувоҳликларини махсус хизматларнинг босими остида берганини таъкидлаган.

Портлашларга алоқадорликда айбланиб, 11 йилга озодликдан маҳрум этилган Зайниддин Асқаров жазони ўташ жараёнида қийноқларга тутилганини ҳам айтган. Тафсилотлар билан Тошкентдан Пахлавон Содик.

Пахлавон Содик:

Тошкент портлашларига бағишланган маҳкама жараёнидан 4 йил ўтиб, унинг асосий ташкилотчиларидан бири сифатида айбланган Зайниддин Асқаров портлашларнинг бутунлай бошқа манзарасини чизмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон МХХ портлаш режасидан 2-3 ой аввал хабар топган. 1998 йилнинг ноябрида Туркменистонда ҳибсга олинган ва УИХ нинг амири сифатида билинган Баҳром Аб-

дуллаев, Асқаровнинг айтишича, президент Ислоҳ Каримовга қарши суиқасд тайёрланаётгани ва уни кимлар тайёрлаётгани ҳақида МХХ га батафсил маълумот беради.

Зайниддин Асқаров:

Баҳром Абдуллаев тергов вақтида: Зайниддин, манга булар «вышка» берворар ё кўйворар билмайман, лекин ўзи олдиндан фалон куни, фалон числода фалончи-фалончиларга маъна хабарини берганман, именно Йўлбарс Шералиев деган СНБ нинг катта офицерига хабар берганман, деган гапни гапираяпти. Бу ошқора ходимларга айтилганидан кейин, демак буни

кутилган меҳмон даражасида бомбалар кутиб олинаяпти Тошкентда.

Пахлавон Содик:

Айни тафсилотларни терговда юзлаштрилган Баҳром Абдуллаевдан билганини айтган Зайниддин Асқаровга кўра, портлашни буюргани айтилган УИХ раҳбари Тохир Йўлдош аксига 1995 йилда бедарак йўқолган ва махсус хизматлар ўғирлаб кетгани тахмин қилинадиган Абдували қори Мирзаевни қутқариш ниятидаги Муродилла Қазиев бошчилигида портлаш уюштираётганларни тўхтатиб қолиш ҳақида буйруқ беради. Асқаровнинг сўзларига мувофиқ, Тохир Йўлдош суиқасд уриниши уларнинг ҳаракатига ҳалакит беради деб ишонган.

Зайниддин Асқаров:

Тохир Йўлдош буларга шарт қўйганда шундай деганки, уларни илтимос билан олиб келасан, бўлмаса зўрлаб олиб келасан, мабодо унамаса отиб ташлайсан, деган буйруқ берган Баҳром Абдуллаевга. Чунки буни «автоматический» тўхтатиб туриш керакки, тез орада Ўзбекистонда Тохирвой жиҳод бошламоқчи, шунинг олдини тўсиб қўймаслиги керак 16 феврал...

Пахлавон Содик:

Зайниддин Асқаров портлашларда айбланган муҳолифатдаги «Эрк» демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳга қарши маҳкама жараёнида берилган кўрсатмаларини ҳам рад этмоқда. У айни гувоҳликларини терговнинг босими ҳамда жазони енгиллатиш ҳақидаги ваъдалар таъсирида берганлигини айтди.

Зайниддин Асқаров:

Муҳаммад Солиҳнинг - Аллоҳга қасам ичиб айтаман бу гапимни, дунёю охиратда - умуман террористларга, террорга алоқаси йўқ ҳеч қанақа. Умуман алоқаси йўқ. Манга бўлган ваъда Баҳром Абдуллаев бошчилигидаги олти «вышка» дагилар отилмаслиги эди. Отилмай, «вышка» бериб, президент томонидан кечирим сўралишлик, авф қилишлик ваъда қилинган эди. Охири ман ваъда қилдим, бўпти ман рол ўйнаб бераман, дедим, Муҳаммад Солиҳга туҳмат қилиб, 16 га алоқаси бор, 1 миллион 600 минг берган эди, Тохирга спонсор эди, деган нарсаларни ман йиғламсираб гапириб, рол ўйнаб бердим.

Мақсадим, Баҳром Абдуллаевдай қориларни асраб қолиш эди. Абдували қори акаларнинг чиқиши эди, қори акаларнинг ҳаммаси авф бўлишлиги эди, шуларнинг ҳаммаси именно. Ички ишлар министри Зокир Алматов мани чақириб, Муҳаммад Солиҳни ёмонлаб берсанг, мана шу ролни ўйнаб берсанг, ҳаммаси авф бўлади, отилмайди булар, сангаям енгиллик бўлади, суд залидан чиқиб кетасан, дегани учун Аллоҳ шохидки, ўзимни қутқариш учун эмас, ана шуларни қутқариш учун мана шу нарсага мажбур бўлгандим ўша вақт. Лекин булар чиқарганим йўқ, уларга «вышка»ям бериб юборди. «Вышка» бериб юборишининг сабаби улар сирни билар эди. Сирни билишлиги учун уларни йўқ қилиб юборди.

Пахлавон Содик:

Зайниддин Асқаровнинг айтишича, Тошкент портлашларида гумон қилинган яна бир киши тергов чоғида қийноқлар натижасида ўлдирилган. Унинг ўзи жазони ижро этишнинг илк даврида шафқатсиз қийноқларга тутилганини айтди.

Зайниддин Асқаров:

Ман зонада 3 марта ўлимдан қолдим. Биринчиси Зангиота 64-65 да 5 кишининг оралигида шу даражада қаттиқ калтакландимки, ҳатто калима келтириб, ман шаҳид бўлдим деб юмалагандим. 45 кун жинни бўлиб қолиб, ўзимда ҳам бўлганим йўқ. Булар турсам, мани христиан динига ўтказди булар, бошқа қилди қийнаб. Иккинчиси, Қашқадарё 33 га кирган вақтимда Обидхон Асқаровнинг укаси экан.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми кейинги бетда)

Шу даражада каттиқ калтаклашган вақтида манам ўлдим дегандим, яна бир ўлимдан қолдим. Навоий-46 да уриб қовурғалар синдирилганда яна бир ўлимдан қолдим. 61 да Абдусалом Рахматов деган майор начальник опер. частни қилган зулмида, уни ман айтишга уяламан, ман энди ўлдим энди, қайтиб ҳаёт йўқ деб, ҳатто ўзимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим ўша вақтда.

Пахлавон Содик:

32 ёшли Зайниддин Асқаров Тошкент портлашларига бағишланган маҳкама жараёнида ўзининг зиддиятли кўрсатмалари билан танилган. Тошкент портлашлари борасидаги расмий тахмин кўп жихатдан айнан тергов ва маҳкама билан фаол ҳамкорлик қилган Зайниддин Асқаровнинг кўрсатмалари асосига қурилгани айтилади. Унинг кеча Тошкентдаги хибсхонада берган кўрсатмалари эса ушбу тахминларни бутунлай йўққа чиқаради. Махбус билан учрашувни ташкил этган МХХ вакилларига кўра Зайниддин Асқаров интернет саҳифаларида пайдо бўлган М. Солихнинг портлашларга алоқаси йўқлиги ҳақида махбусга суяниб келтирилган даъволарни рад этиши керак эди, холос. Улар Асқаровнинг сўнгги идиолари ўзлари учун қутилмаган бўлганини айтишмоқда. МХХ вакили Зайниддин Асқаровнинг махбус хизматлар портлашни олдиндан билгани ҳақидаги даъволарни бутунлай рад этди. Бунга қадар ўзбек муҳолифати Тошкент портлашларига махбус хизматларнинг ўзи алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фаразни илгари суриб келган. Аммо бундай тахмин портлашнинг асосий гувоҳларидан бирининг тилидан илк бор янграётир. Бундан 4 йил муқаддам Тошкентда содир бўлган портлашлар чоғида 16 киши ҳалок бўлган ва портлашлар билан боғлиқ тергов жараёнлари жараёнида юзлаб кишилар хибсга олинган эди.

Ибрат Сафо:

Лавҳада айтилгани каби Ўзбекистон МХХ Зайниддин Асқаровнинг махбус хизматлар портлашни олдиндан билгани ҳақидаги даъволарини рад этган. МХХ вакили, подполковник Равшан Абдуллахонов Зайниддин Асқаров жазони ўташ чоғида бир муддат руҳий шифохонада бўлгани, эҳтимол ханузгача руҳий бетоб

бўлиши мумкинлигини айтган. У шунингдек, М.Солихнинг портлашларга алоқадорлиги борасида етарли далилларга эга эканликларини урғулаган. Мана подполковник Абдуллахонов шарҳи.

Равшан Абдуллахонов:

Дунёда ҳозир терроризмга қарши бутун дунё жамоатчилиги ҳозир шу билан курашяпти. Ўзиз ўйлаб кўринг, агар ҳар битта ҳукуктартибот органи агар шундай теракт бўлмоқчи деган бўлса, олдини олишга нима деб ўйлайсиз ўзиз, ҳаракат қилган бўлармиди, олдини олган бўлармиди ё қурбонлар бўлиб кетаверган бўлармиди? Зайниддин Асқаровни ҳозирги кунда ўзининг гапи бўйича руҳий касалман, деб айтган гапи бўйича келадиган бўлса, унга тўғри баҳо бериш деб ўйлайман радиотингловчилар томонидан. Энди Асқаровнинг интервьусини ман ўзим охиригача эшитганим йўқ. Лекин гапирганда 17 марта Мадаминов Салай билан учрашган Тохир Йўлдош деган гапни оладиган бўлсак, бу ҳам қанақадир тасдиғини топади. Агар Мадаминов Салай ҳақиқатдан ҳам биринчи гал учрашувнинг ўзида ман қайтдим, ман бу Тохир Йўлдош, бошқалар, Ислом давлати кўраман деб ҳаракатидан ман воз кечганман деган гап бўладиган бўлса, 17 марта учрашишнинг ўзи шартмиди?

Ибрат Сафо:

МХХ вакили мухбиримиз билан суҳбат чоғида Муҳаммад Солих билан ЎИХ воизи сифатида билинган Зубайр ибн Абдурахмоннинг телефон сўзлашуви экани айтилган аудио ёзувни ҳам намойиш этган. Муҳаммад Солихнинг овози жуда ҳам паст ёзилган ўша аудиотасмада. МХХ вакилига кўра, «Эрк» партияси раҳбарининг портлашларга алоқадорлигининг далили бу. Аудиотасмани тингланг:

- Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ!
- Ва алайкумуссалом ва раҳматуллоҳ!
- Хорманг, ишлариз яхшими?
- Ҳа, яхши. Ўзиз қалайсиз?
- Алҳамдуллилаҳ. Уйлар, болачақалар яхшими?
-
- Соғлиқ қалай, соғлиқ?
- Яхши, яхши, соғлиқ, ҳаммаси яхши.
- Ҳа, бу нималар бўляпти, бу расмларни суд қилаяпти. Ўшанга ман айтдим, бу расмимиз бир жойда суд бўвотганаканмиз, бир-икки

оғиз гаплашиб олай дедим. бу.

- ... яхши бўларди.

- Яқинда ўзини суд қиламиз. Яқинда, иншоаллоҳ. Узоқ эмас у. Биз ўзини суд қиламиз, иншоаллоҳ яқинда. Лекин у шаръий суд бўлади, иншоаллоҳ. Шаръий маҳкама бўлади, иншоаллоҳ.

- Иншоаллоҳ.

Ибрат Сафо:

Ўзбекистон хавфсизлик хизматининг 1999 йилги Тошкентдаги портлашларга алоқаси далолати сифатида эшиттирган тасмаси эди. Бугун биз аудиотасмани «Эрк» партияси раҳбари Муҳаммад Солихга эшиттирдик ва бу борада унинг фикрини сўрадик.

Муҳаммад Солих:

Биринчидан, ҳукуматнинг менга қарши ўша маҳкамадаям ҳеч қандай далили бўлмаган. Бугун ҳам ҳеч қандай далили йўқ ва ҳозирги менга эшиттирилган бу суҳбат деб аталган нарсада фақат битта томоннинг овозини мен эшитдим, иккинчи томоннинг овози умуман йўқ. Агар шуни яна далил деб чиқараётган бўлса, ҳукумат ҳақиқатан фожеавий бир аҳволда, далилсиз қолган менга қарши. Мен ҳеч қанақа Зубайр билан бунақа гапни гаплашишим мумкин эмас. Гаплашган бўлсам, мен доим фикрини аниқ айтадиган одамман. Ҳеч қачон мен фикрини яширадиган одам эмасман.

Ибрат Сафо:

Демак, айтмоқчисизки, ЎИХ вакиллари билан телефон орқали сиз ҳеч қандай суҳбатлар олиб бормагансиз?

Муҳаммад Солих:

Йўқ. Ҳеч қачон мен суҳбатлар олиб бормаганман. Яъни менга жуда кўп одамлар телефон қилган, ҳамдардлик билдирган.

Ибрат Сафо:

Ва улар билан ҳеч қандай муносабатингиз бўлмаганми?

Муҳаммад Солих:

Йўқ, муносабатимиз Тохир Йўлдошев билан бўлган. 97 йилда масалан кўришганмиз, Истамбулда. Ва мен буни ўша портлашлар бўлгандан кейинок айтганман. Аммо муносабатларимиз Ўзбекистон ҳукумати айтаётгандек ўша келишув ва нима дейди, уларнинг айтганидек пул топиб бериш.. сиёсий ҳаракат қилиш деган гаплар ҳеч қачон бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бизнинг ҳаракатларимиз табиати билан, ўзининг характери билан мутлақо бошқа ҳаракатлардир.

Сурункали буйрак етишмовчилиги

Яллиғланишли буйрак касаллигига нефрит, гломеруллар яллиғланишига гломерулонефрит дейилади.

Туркияда сурункали буйрак етишмовчилигининг биринчи сабаби гломерулонефритдир. Сурункали гломерулонефрит узок муддатли касаллик бўлиб, тез сурьатларда ривожланиб кетиши мумкин. Бу ҳолатда қисқа муддатда ичида буйрак етишмовчилиги юзага келади ва бемор диализ давосини қабул қилишга мажбур бўлади.

Баъзи эмлашларда муҳофаза қилувчи (сақловчи) сифатида тиме-

бўлади. Заруратдан ортик туз истеъмол қилиш ёки сунъий ва қўшимча моддаларни ўз ичига олган тузларни истеъмол қилиш гипертансион (юксак қон босими) ҳамда буйрак касаллиги белгиларини пайдо қилади.

Яъни, сунъий туз, қўшимчали туз, антигипертансиф ва ҳар қандай кимёвий ёки синтетик дориларни қабул қилиш буйраклар учун ўта хавфлидир.

Кир ва тузларни эритувчи, тикилиб қолган ванналардаги кирларни эри-тадиган кислотали моддалар; ойна тозаловчи кимёвий моддалар, кир ювиш ва идиш ювиш каби актив

тарвуз ейилади, ўсимлик чойи, мева сабзавот сувлари ичилади, (узум суви, олма суви, грейфрут суви, лимон суви, семизўти суви, кичитқи ўти суви, калла пиёз суви, петрушка ва селдир япроқларининг сувлари, тарвуз қобиғининг суви).

Мисол:

Биринчи кун оч қолинади, иккинчи кун эрталаб лимон ёки грейфрут суви ичиб, очлик тугатилади.

Кейин кечқурунгача:

150 гр. семизўти суви + 50 гр. курук пиёз суви (ёки кичитқи ўти, петрушка, селдир япроғининг суви) + 50 гр. сув ютумлаб ичилади, оч қолганда узум ейилади ёки узум суви ичилади.

Оч қолганда 150 гр. семизўти суви + 50 гр. кичитқи ўти (ёки петрушка + селдир япроғининг) суви ичилади.

Оч қолганда тарвуз ейилади;

Кечқурун эса занжабил ёки жамбўл чойи табиий асал билан ичилади.

Ухлашдан олдин 30-50 гр. саримсоқли зайтун ёғи + 30-50 гр. лимон суви ичилади, эртаси куни яна оч қолинади.

Мавсуми бўлса - семизўти, мавсуми бўлмаса – қуйидаги мева-сабзавот сувларининг аралашмаларидан бири ичилиши мумкин:

Сабзи суви + қизил лавлаги суви аралашмаси,

Қизил лавлаги суви + пиёз суви аралашмаси,

Қизил лавлаги суви + исмалоқ суви аралашмаси,

Сабзи суви + олма суви аралашмаси.

Мева ва сабзавот сувларини ичганда, ҳар стакан билан бирга эзиб, 3 - 5 дона саримсоқ ютилади.

4 ҳафтадан кейин:

3 кунлик очлик қилинади, 4-чи кун мева суви ичилади ва шу куни кечқурун жигарни тозалаш амалга оширилади. (“Жигарни тозалаш” бўлимига қарарнг.)

Жигар тозалангандан кейин 4 ҳафта давомида ҳар душанба ва пайшанба 36 соатлик рўзалар тутиш давом эттирилади. Рўза тутилмаган ҳафтанинг бошқа 5 кунда мева суви ичилади, мева ва салат ейилади, олма суви + асал ёки ари сути + Polen қўлланилади. Ҳафтада 3 марта енгил таом ейилиши мумкин.

Ёғ сифатида фақат саримсоқли зайтунёғи ёғсиз пиширилган овқатнинг юзига сепилиб ёки салат билан истеъмол қилинади.

Исмалоқ, семизўти, сачратқи, петрушка, курук пиёз, кўкат, ковок, сабзи, қизил лавлаги, селдир, саримсоқ билан салат қилинади. Салат юзига саримсоқли зайтунёғи сепилади ва кўп миқдорда лимон суви қўшилади. Бошқа ҳеч нарса ейилмайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

БУЙРАК ВА СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

росал, алюминий гидроксит ва формалдегид ишлатилади. Мана шу уч модда (тимеросал, алюминий гидроксит, формалдегид) буйракларда жойлашса, буйракларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, бироз вақт ўтгандан сўнг сурункали буйрак етишмовчилигига сабаб бўлади.

Бугунги кунда дунёда сурункали буйрак етишмовчилигининг энг кенг тарқалган сабабларидан бири аспирин, оғриқ қолдирувчи ва антибиотик дориларни қабул қилиш эканлиги аниқланган.

Бу дегани, ҳозирда сурункали диализ билан оғриган беморларнинг аксариятини оғриқ қолдирувчи ва бошқа кимёвий дориларни ёшлигидан бошлаб, кўп миқдорда қабул қилган кишилар ташкил қилади.

Касалликни келтириб чиқарувчи бошқа сабаблардан энг муҳими эса буйракларнинг ишлаш ҳажми кам бўлишидир.

Она сутини эммаган ва сунъий овқатлар билан озикланган чақалоқлар буйракларининг ривожланиши секинлашади ва натижада буйракларининг ишлаш ҳажми камаяди.

Бемор буйракларининг аҳволига қараб, унинг она сути эмган-эммаганлигини, сунъий овқатларни еган-емаганлигини тахмин қилиш мумкин.

Баъзи беморларда кучсиз буйракларнинг вазифасини тери бажаришга мажбур бўлади: организм буйрак йўли билан ташқарига чиқара олмаган моддаларни сурункали курук эгзема, садаф (псориаз), пес (вителиго) шаклида тери орқали чиқара бошлайди.

Яъни бу тери касалликлари буйракларни муҳофаза қилувчи омил (фактор) сифатида юзага келади.

Бундай ҳолатда тери касалликларига қарши қўлланилган оғир дорилар тери касалликларининг қайсарлигини оширади ва буйраклар аҳволини баттар қилади.

Бундай беморларда буйракнинг тузни ташқарига чиқариш кучи кам

моддаларни ўз ичига олган воситалар; сунъий таом, колали ичимликлар ва тайёр мева сувлари ишлатиш ва истеъмол қилиш ҳам сурункали буйрак етишмовчилигининг кенг тарқалган сабабларидандир.

Бу зарарли моддаларни ишлатиш натижасида, сурункали токсик гепатит юзага келади ва жигар токсик моддаларни бартараф (нейтрализация) қилмасдан, буйрак воситасида ташқарига чиқаришга ҳаракат қилади.

Бу эса токсик моддаларнинг буйрак тўқималарининг, хусусан, гломеруллардаги тўқималарнинг бузилишига ва яллиғланишига йўл очади. Кимёвий бўёқлар билан соч бўяш ҳам буйракларга тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади.

Буйрак безовталигини келтириб чиқарувчи бу сабабларни барча турк аёлларида кўриш мумкин.

Сийдик йўлларидаги энергия оқими ҳар икки оёқнинг кичик бармоқларидан бошланади, оёқларнинг орқасидан анусга келади, анусда айланиб, умуртқанинг икки тарафидан энгса чуқуригача чиқади; у ердан бошнинг тепасига кўтарилиб, кўзларнинг ички учларига, бурун бўшлиғига тушади. Мана шу йўналишдаги оёқ, болдир, бел, энгса, бош ва бурун бўшлиғидаги оғриқларнинг чораси - сийдик йўллари ва буйракларнинг давосидадир.

Гломерулонефрит белгилари: чой рангидаги сийдик, бош оғриғи, хира кўриш, оёқ, болдир, бел оғриқлар ва санчқилар, қўлларнинг, оёқларнинг ва кўз ковокларининг шишиши, юқори қон босими, сийдикда протеин ва қон чиқиши (мавжудлиги).

Даво

Бу ҳолатда энг яхши парҳез мева суви ва яшил сабзавот сувидан иборат парҳездир.

4 ҳафта давомида Довуд алайҳиссалом рўзаси тутилади, яъни 1 кун оч қолинади, 2-чи куни фақат

БУЙРАК ВА СИЙДИК ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

4-чи ҳафта тугагандан кейин:

Бир кун кечқурунғача мева суви ичиб, такрор жигарни тозалаш амалга оширилади. Икки ҳафтадан кейин 3 кунлик очликлар 7 кунлик танаффуслар билан 24 марта такрорланади.

Очликлар орасидаги танаффусларда ҳар куни мева ёки сабзавот сувларини ичиш билан бошланади. Очикқанда 30 гр. зайтун ёғи + 30 гр. лимон суви аралашмаси ичилади. Очикқанда овқат ейилиши мумкин, фақат очликдан кейинги 4-чи куни овқат ейилмайди. Ҳафтада 2-3 марта гўшт, 3-5 марта нон ейилиши мумкин. (“Гўшт” ва “Нон” бўлимларига қаранг.)

Буйракусти безларининг қон босими ва шакар мувозанатсизлиги билан алоқаси

Ҳар бир буйракнинг уст қисмида жойлашган буйракусти безлари кортикостероидлар деб номланган уч хил гормон ишлаб чиқаради: андрогенлар ва острогенлар, глюкокортикоид ва минералокортикоид гормонлари.

Андроген ва острогенлар жинсий ривожланиш ва кўпайишни таъминлайди. Кортизон каби глюкокортикоид гормонлар глюкоза регуляциясини химоялайди, организмга ташқаридан келган салбий таъсирларга қарши иммунитет тизимининг тўсқинлик қилишини таъминлайди ва иммунитет тизимининг ортикча реакция беришини тўхтатиб туради.

Алдестерон каби минералокортикоид гормонлар организмдаги натрий-калий мувозанатини таъминлайди.

Белгилари: ҳолсизлик, мускулларда кучсизлик, ошқозон айниши, терида қуюқ рангли доғлар, юзда ва қафтларда анормал (ғайриоддий) терлаш, бош оғриғи, уйку бузуқлиги, катта ва кичик қон босимининг бирга кўтарилиши ёки бирдан тушиши, қонда шакар кўтарилиши ёки бирдан тушиши, муваққат бепуштлиқ.


Унинг давоси сурункали гломерулонефрит давоси билан бир хил.

Касаллик янги бошланган бўлса, тузалиш мумкин. Аммо касаллик сурункали тус олган бўлса ва тўқималар бузилган бўлса, касалликнинг ривожланишини тўхтатиш мумкин ҳолос.

Буйрақларни муҳофаза қилувчи дорилар:

10 гр. хилол (ховлижон) ва 10 гр. занжабил майдаланади; 10 гр. фимиам (мирра катрони), 30 гр. кедр ёнғоғи яхшилаб майдаланади. Булар 200 гр. асал билан яхшилаб йўғрилади.

Дори тугагунча эрталаб ва кечқурун бир чой қошиқдан ютилади. Йилда бир марта ёки эҳтиёжга кўра



2-3 марта такрорланади. Бу аралашмалар буйрақларни қувватлантиради, бел оғриғини йўқотади.

Ёки 20 гр. занжабил ва 40 гр. фимиам (мирра катрони) май-

даланади, ҳар куни тонгда ва оқшом ярим чой қошиқ сув билан ютилади.

1 ош қошиқ зиғир уруғи + 1 чой қошиқ қичитки ўти уруғи + 100 гр. иссиқ сув билан аралаштирилиб, юзига мато тортилади ва 1,5-2 соат дамланади кўйилади.

Кейин эса 1/4 чой қошиқ майдаланган занжабил кўшилиб, ҳар куни эрталаб ёки кечқурун ейилади. 1 чой қошиқ асал ва 3 дона майдаланган саримсоқ кўшилса, дори янада кучли бўлади.

Зиғир уруғини майдаламасдан ишлатиш керак.

Жамбул, зира, занжабил, дафна барги, ялпиз ва заъфаронни қоразиратор сифатида овқатларга кўшиш; қичитки ўти, наъматак, кўк чой, розмарин ва мойчечакни эса чой сифатида ичиш керак.

Лимон суви ва грейфрут суви, грейфрут, гилос, олча, нок, беҳи, ўрик, тарвуз ва унинг данаклари (уруғлари), петрушка томири ва барглари, селдир ва барглари, пиёз ва саримсоқни доимий равишда истеъмол қилиш керак.

Эрталаб даставвал сув, мева суви ёки сабзавот суви ичилади.

Сув ва туз мавзусида жуда эътиборли бўлиш керак. Фақат енгил сувларни, табиий, кўшимчасиз тош тузи истеъмол қилиниши керак.

Ошқозоннинг, ичакларнинг ва жигарнинг яхши ишлаши жуда муҳим. Агар бу аъзолар яхши ишламаса, қон кирланади, буйрақларнинг иши қийинлашади.

Ич қотиши ва ичаклардаги газ (дам) буйрақларда қон ва суюқлик айланишини қийинлаштиради, буйрақларда тош ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

(“Ошқозон ва ичакларнинг давоси” ва “Жигарни тозалаш” бўлимларига қаранг.)

Ҳаёт давомидан сут, пишлоқ, гўшт, туз, тухум ва нонга диққатли ёндошиш керак.

Эски тухум ва тухум қукуни (порошоги), сут ва сут қуқунини ўз ичига олган озуқалар, оқ нон, рафиналанган ва гидрогенлаштирилган суюқ ёғлар,

маргарин, тузли озуқалар, тузламалар, кўшимча моддаларни ўз ичига олган консервалар, тайёр таом ва ичимликлардан қочиш керак.

Қир ювиш воситалари, оғрик қолдирувчи, ҳарорат туширувчи, аспирин, витамин ва бошқа кимёвий ёки “табиий ўсимлик дорилар” номи билан сотилаётган дорилар, сунъий туз, йодланган ва рафиналанган туз қатъиян истеъмол қилинмаслиги керак.

Фақат табиий, кўшимча моддасиз қоя тузини истеъмол қилиш лозим.

Доимий равишда ҳафтада 1 кун 36 соатлик очлик ёки ойда бир марта 3 кунлик очлик қилиб, сахар-ифторда фақат сув ичиш керак.

Буйракка фойда бўлган нарсалар: бодом, ёнғоқ, хурмо, беҳи, гилос, олча, ўрик, кашнич, анор, зайтунёғи, янги сиқилган нордон меваларнинг сувлари, арпа суви, янги соғилган кўй ва туя сути, қирларда ўтлаган кўйларнинг гўшти ва думба ёғи (“А” қон гуруҳига мансуб бўлган кишилар учун ҳафтада бир марта) истеъмол қилиш.

Бундан ташқари, дафна ёғи ва аччиқ бодом ёғини белга ишқалаб суртиш, мойчечак ва зиғир уруғи билан компресс қилиш; белга банка кўйиш; оёқларга, анусга, белга, думғазага зулук кўйиш; белдан қон олдириш; эрталаб қуёшда юриш, куруқ ва иссиқ тупроқда ёки қумда ўтириш ва бадани - кўкракка қадар - куруқ ва иссиқ денгиз қумига кўмиш.

Буйракка зарар бўлган нарсалар: тайёр кўшимчали озуқалар, сут қуқуни ва тухум қуқунини ўз ичига олган озуқалар, аралаш ва эски овқатлар, тайёр егуликлар ва туриб қолган сув, баланд пошналар ёки тор пойабзал кийиш, сиқиб турадиган камар боғлаш, кимёвий бўёқлар билан сочни бўйаш, сочларни тарамай кўйиш, курсида ўтириш, тик туриб сийиш, сийдикни узоқ вақт ушлаб юриш, совуқ тошга ва зах тупроққа ўтириш, тайёр без ва гигиеник педдан фойдаланиш.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мустақил манбааларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош